

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 338.5.003.121

ОЧИЛОВ ИЛҲОМ САЙИТҚУЛОВИЧ

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ КОРХОНАЛАРИДА
САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.05 - “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти”

**Иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Самарқанд – 2010

Диссертация иши Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори
Қурбанов Зият Ниязович,
иқтисод фанлари номзоди, доцент
Мирзаев Қулмамат Джанзакович

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Ҳимоя Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича К.067.12.01 рақамли бир марталик Ихтисослашган Кенгашнинг 2010 йил “__” _____ соат ____ да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 703000. Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй.

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ахборот ресурс марказида танишиш мумкин.

Автореферат 2010 йил “__” _____да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, и.ф.д., профессор

И.С. Тухлиев

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик йилларида иқтисодий эркинлаштириш ва жамиятни модернизациялашга қаратилган ислохотлар, мамлакат иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгаришларга ва нодавлат мулкига асосланган хусусий секторнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Уларнинг асосий қисми хизмат соҳасига тўғри келмоқда. Жумладан, 2009 йил 1 январь ҳолатига 483,7 мингта юридик шахс мақомига эга бўлган корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 444,9 мингтани ёки 92,0%ни ташкил қилади¹. Шулардан нодавлат мулкига асосланган корхона ва ташкилотлар ҳиссаси 93,0 фоизни, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) улуши 79,4%ни, бутун банд аҳолининг 78,4%ини ташкил қилади². Улар, асосан хусусий ва кичик бизнес корхоналари бўлиб, уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2008 йилда 48,2%ни³, 2009 йилда 50,0%ни ташкил қилган бўлса, 2010 йилда 52,5%га етказиш вазифаси қўйилмоқда⁴. 2008 йилда иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларида хизматлар ҳажми 20082,7 млрд. сўм бўлиб, унинг мамлакат ЯИМдаги улуши жорий баҳода 54,5%ни ($20082,7 \cdot 100 : 36839,4$) ташкил қилмоқда⁵. Кўриниб турибдики, мамлакатимиз иқтисодиётида хизматларнинг салмоқли ўрни бор.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатмоқдаки, хусусий тадбиркорлик, айниқса хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари жамият тараққиётининг барча жабҳаларида ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминловчи асосий омиллардан биридир. Ушбу соҳанинг ривожланиши мамлакат аҳолиси бойишига, иқтисодий ривожланишига, истеъмол бозори тўйинишига, давлат бюджети тушумлари кўпайишига, ишсизлик камайишига олиб келади. Мисол учун, 2008 йилда жами соҳада банд аҳоли 11035,4 минг киши бўлиб, бу 2007 йилга нисбатан 2,8% кўп демакдир⁶. Агар мамлакат аҳолиси шу даврда 1,8%га ўсганлиги инобатга олинса, аҳоли бандлик даражаси йилдан-йилга ўсиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Хизмат кўрсатиш соҳаси муҳимлигини яна шундан ҳам англаш мумкинки, сўнгги йилларда уни ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қатор фармон ва

¹ Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 год. Т.: Госкомстат Узбекистана, 2009.-5 бет.

² Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 год. Т.: Госкомстат Узбекистана, 2009.-7 бет.

³ Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 год. Т.: Госкомстат Узбекистана, 2009.- 9 бет

⁴ И.А. Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. - Халқ сўзи. 2010 йил 30 январь.-3 бет.

⁵ Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 год. Т.: Госкомстат Узбекистана, 2009.- 34 бетда келтирилган маълумотлар асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби.

⁶ Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 год. Т.: Госкомстат Узбекистана, 2009.- 40 бет.

қарорлари, вилоятларда эса унинг ижросини таъминлаш юзасидан ривожланиш дастурлари ва бир қатор қарорлар қабул қилинди. Булар жумласига “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (ПҚ-325, 2006 йил 17 апрель) ва “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (ПҚ-640, 2007 йил 21 май) Президент қарорларини киритиш мумкин. Мазкур қарорлар ва улар юзасидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар асосида хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳасини ривожлантиришнинг мамлакатимиз ҳудудлари бўйича аниқ дастурлари ишлаб чиқилди. Келажакда ҳам Президент таъкидлаганидек, “аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш ғоят муҳим аҳамиятга эга”.⁷

Дунё бозори тизимида хизматлар бозорининг борлиги, мамлакатимизда ушбу соҳа мавқеи, унинг кишилар турмуш даражаси яхшиланишидаги ўрни ошиб бориши, 2010 йилга бориб унинг мамлакат ЯИМдаги улуши 49,0%га етиши режалаштирилганлиги хизмат кўрсатиш соҳасининг кескин ривожланиши кўзда тутилганлигидан далолат беради. Бу эса ушбу соҳани ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан атрофлича ўрганишни тақозо этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларининг шаклланиши ва тараққий этишида ҳамда уларнинг юқори самарадорлик билан ишлашини таъминлашда айрим муаммоларга ҳам дуч келинмоқда. Ушбу муаммоларни бартараф қилиш, унинг нафақат амалий, балки бир қатор назарий масалаларини ҳам ҳал этиш лозимлиги мазкур соҳа самарадорлигини ошириш эвазига мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти барқарор ривожланишига қаратилган тадқиқот ишлари олиб борилишини тақозо қилмоқда. Буларнинг барчаси мазкур тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва унинг самарадорлигига оид асарларни ўрганиш шуни кўрсатадики, хусусий тадбиркорликнинг хизмат соҳаси билан боғлиқ тушунчалари мазмуни, табиати, унинг иқтисодиётда тутган ўрни хусусида анча тадқиқотлар қилинган, кўплаб адабиётлар нашр этилган. Аммо улар самарадорлигини ошириш, айниқса ички имкониятларни ахтариб топиш борасидаги назарий ва амалий масалалар етарли даражада ёритилмаган.

Бозор муносабатлари шароитида хусусий тадбиркорлик фаолияти ва унинг таркибидаги хизмат кўрсатиш соҳаси ҳамда улар самарадорлигини ошириш муаммолари билан кўплаб олимлар шуғулланишмоқда. Булар жумласига

⁷И.А. Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. - Халқ сўзи. 2010 йил 30 январь. - 3-бет.

Ё.А.Абдуллаев, Ф.Каримов⁸, У.Умаров⁹, А.Ўлмасов, А.Вахабов¹⁰, М.Ш.Шарифхўжаев¹¹, М.Р.Расулов¹², Э.С.Файзиев¹³, Ш.Шодмонов, Т.Жўраев¹⁴, Р.М.Ғайбуллаев¹⁵, Ш.Рўзиназаров раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси¹⁶, М.Қ. Пардаев раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимларни¹⁷ киритиш мумкин. Аммо хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ошириш муаммолари ўзига хос хусусиятларга ва муҳим аҳамиятга эга.

Хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ошириш бўйича ички имкониятларни ахтариб топадиган, уларни амалиётга сафарбар қиладиган, ривожланишига таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаб, таъсирчан бошқарув қарорларини қабул қила оладиган илмий йўналишлар ва амалий тавсиялар етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги ва мос равишда ушбу масалаларнинг иқтисодий адабиётларда етарли даражада ёритилмаганлиги мазкур тадқиқот мавзусини танлаш, мақсад ва вазифаларини белгилаб олиш учун асос бўлди.

Диссертация мавзуси республикада олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларига мос келади. Чунки мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов ушбу масаланинг долзарблигини ўзининг “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” (1993 йил) ҳамда “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” (1995 йил) асарларида баён этган эди. Сўнгги йиллардаги (2000-2009 йиллар) йил якунлари ва келгуси йилнинг устувор вазифаларини белгилаб беришда ҳам мамлакатимиз Президенти ушбу соҳага алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Шу туфайли танланган мавзу республикада олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларига мос келади.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти илмий-тадқиқотлар ишлари режаси билан узвий боғлиқ ва унинг таркибида ўз аксини топган.

⁸ Абдуллаев Ё, Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. Т.: Мехнат, 2000. - 352 бет, Абдуллаев Ё, Каримов Ф., Примов М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Т.: Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Ассоциацияси, 1999. - 129 бет.

⁹ Умаров У. Иқтисодиёт назарияси. Т.: Мерос, 2004. - 400 бет.

¹⁰ Ўлмасов А., Вахабов А. Иқтисодиёт назарияси. Т.: Шарқ, 2006. - 480 бет, Ўлмасов А. Оила иқтисоди. - Т.: Мехнат, 1998. Вахабов А., Ахмаджонов Ҳ. Хонадон ва давлат молиясининг ўзаро муносабатлари.// Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2003 йил 11-12 сон. – 54-55 бетлар, Вахабов А. Бозор муносабатларига ўтиш босқичида қўп укладли иқтисодиёт ва унинг такроран ҳосил бўлиши. Т.: Шарқ, 2003.

¹¹ Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик, Т.: Мехнат, 1995.

¹² Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Дарслик. - Т.: Ўзбекистон, 1999.

¹³ Файзиев Э.С. Сервис тизими фаолияти асослари. Самарқанд: СамИСИ, 2007. - 208 бет.

¹⁴ Шодмонов Ш., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. Т.: 2000.

¹⁵ Ғайбуллаев Р.М. Тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. Т.: Фан. 2004. - 194 бет.

¹⁶ Тадбиркорлик ҳуқуқи. (Махсус қисм). Ш. Рўзиназаров таҳририда. Т.: Консаудитинформ. 2002. - 444 бет.

¹⁷ Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, -2008. - 260 бет. Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И., Ғаппаров А.Қ. Хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш муаммолари. Самарқанд: “Зарафшон”, 2009. - 66 бет.

Тадқиқотнинг мақсади иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг назарий ва амалий йўналишларини тадқиқ қилиш, баҳолаш ва таҳлил қилиш орқали улар самарадорлигини ошириш бўйича ички имкониятларни ишга солиш йўллари ишлаб чиқишдан иборат. Бунинг учун **тадқиқотнинг қуйидаги вазифалари** белгилаб олинди:

-бугунги кун талабидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни оширишнинг объектив зарурлигини очиб бериш ва унинг иқтисодий мазмунини ўрганиб такомиллашган таърифини ишлаб чиқиш;

-мамлакатимиз иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳаси келажақда асосий секторлардан бирига айланишини инобатга олиб, уларнинг бугунги кунда тутган ўрнини тадқиқ қилиш, келгусидаги ривожланиш истикболини назарий ва амалий жиҳатдан асослаш;

-хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини оширишда ушбу категорияни тўғри баҳолаш, бунинг учун уни кўрсаткичларда ифодалаш лозимлигини асослаш ва уларни баҳолаш йўллари ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш учун тегишли тавсиялар бериш;

-хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири иқтисодий салоҳият самарадорлиги эканлигини назарий ва амалий жиҳатдан асослаш ва уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ҳамда улар ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари ишлаб чиқиш;

-хизмат кўрсатиш соҳаси билан шуғулланадиган хусусий корхоналарда самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичларни ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда таҳлил қилиш усуллари кўрсатиб бериш;

-ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг фойдалилик нуқтасини аниқлаш муҳимлигидан келиб чиқиб, бир қанча усуллардан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатиб бериш ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш орқали самарадорликни ошириш йўллари кўрсатиш;

-хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини оширишда стандартлаштириш, лицензиялаш ва сертификатлаштириш тизимларини такомиллаштириш лозимлигини илмий-амалий жиҳатдан асослаш ва уларнинг хусусий секторда қўлланилишини такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш;

-эркин иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг фойда ва рентабеллигини ошириш аҳамиятидан келиб чиқиб, уларни ошириш йўллари ишлаб чиқиш ва улар ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш орқали мазкур кўрсаткичларни яхшилашда ички имкониятларни ахтариб топиш йўллари кўрсатиб бериш.

Тадқиқот объекти: хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган Самарқанд вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида жойлашган хўжалик юритувчи субъектлар.

Тадқиқот предмети хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

Тадқиқот усуллари: анализ ва синтез, индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат, замон ва макон услублари, қиёслаш, мувозанат, социологик сўров, занжирли алмаштириш, қайта ҳисоблаш, иқтисодий-математик моделлаштириш, индекс каби иқтисодий таҳлил ва статистика усуллари.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

-хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий соҳа эканлиги, уларнинг бугунги кундаги аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари;

-хизмат кўрсатиш соҳасига замонавий кадрлар етиштириб бериш мақсадида касб-ҳунар коллежларида алоҳида мутахассислар эмас, балки соҳалар бўйича, хусусан, хизмат соҳасида шуғулланадиган тадбиркорларни тайёрлаш лозимлиги;

-хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолашнинг концептуал йўналишлари, кўрсаткичлар тизими, улар асосида комплекс кўрсаткични аниқлаш усуллари;

-хизмат кўрсатишнинг автосервис соҳасида ҳўжалик юритувчи субъектлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимининг социологик сўров маълумотлари асосида қилинган қиёсий таҳлили;

-қиёсий таҳлил натижасида хизмат кўрсатувчи субъектлар самарадорлигига баҳо бериш ва уларни ошириш бўйича ички имкониятларни ишга солиш йўллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни оширишнинг назарий ва амалий йўналишларини тадқиқ қилиб, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш орқали ички имкониятларни ишга солиш йўллари кўрсатиб берилганлиги билан белгиланади. Бу қуйидагиларда ўз аксини топган:

-хизмат тушунчасининг такомиллашган таърифи ишлаб чиқилди ва миллий ҳисоблар тизими талабларидан келиб чиққан ҳолда унинг таснифи ва ҳар бир гуруҳига аниқлик киритилди;

-хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари кўрсатиб берилди;

-хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни оширишнинг асосий йўналишлари рақобат муҳити ва бизнес муҳитининг яратилиши эканлигидан келиб чиқиб, уларнинг такомиллашган таърифлари ишлаб чиқилди;

-хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни, келажакда унинг асосий соҳалардан бирига айланиши ва мазкур соҳанинг муаммолари илмий-тадқиқот ишларининг доимий равишда ўрганилиши лозим бўлган объекти бўлиб қолишлиги назарий жиҳатдан асосланди;

-хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни оширишнинг объектив зарурлиги назарий жиҳатдан очиқ берилди ва унинг иқтисодий мазмуни ўрганилиб, такомиллашган таърифи ишлаб чиқилди;

-хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини оширишда стандартлаштириш ва сертификатлаштиришни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ва соҳа тадбиркорларини шу масалалар бўйича махсус курсларда ўқитиш лозимлиги асосланди;

-хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш орқали ички имкониятлардан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси. Тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси сифатида жамиятда содир бўлаётган иқтисодий жараёнларни ўрганишда қўлланиладиган оламни билиш, илмий диалектика назариялари, фалсафа, иқтисодий назария фанлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Президент И.А. Каримовнинг фармонлари, қарорлари, асарлари, нутқ ва мақолалари, мамлакатимиз ва хорижий давлатлар таниқли иқтисодчи олимларининг илмий ишларидан фойдаланилди. Тадқиқот натижасида яхлит ҳулосага келиш ва мантиқий бир-бирига узвий боғлиқ бўлган илмий-назарий тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида иқтисодий таҳлилнинг анъанавий, математик ва статистик усуллари ҳам кенг фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда ишлаб чиқилган илмий тавсиялардан фойдаланиш, унинг хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятига тўғри баҳо беришда, улардаги мавжуд ички имкониятларни ахтариб топиш орқали хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш ва иқтисодий жиҳатдан барқарор тараққиётини таъминлаш имкониятини аниқлашда қўлланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Амалий аҳамияти хизмат кўрсатувчи субъектлар самарадорлигини оширишга оид меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича ички имкониятларни ахтариб топишда зарур чора-тадбирларни белгилашга доир амалий тавсияларни ишлаб чиқиш мумкинлиги билан белгиланади.

Ишлаб чиқилган назарий тавсиялар амалий маълумотлар билан асосланган бўлиб, уларнинг методологик йўналиши формулалар, чизмалар ва жадваллар орқали кўрсатиб берилган. Диссертация материалларидан “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти”, “Сервис асослари”, “Иқтисодий таҳлил”, “Корхона иқтисоди”, “Тадбиркорлик асослари” каби фанлардан ўқув адабиётларини тайёрлаш ва ўқув жараёнларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган назарий таклиф ва амалий тавсиялар О`zDT 010:2006. Ўзбекистон Республикаси фаолият турлари бўйича хизматларнинг умумдавлат таснифлагичи - ФТБХУТ (ОКУВД) юзасидан Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасида (2006 йил 12 май, Далолатнома) ва “Ўзстандарт” агентлигида (2006 йил 22 май, Далолатнома) амалиётга тадбиқ этиш учун қабул қилинган.

Шунингдек, тадқиқот натижаларидан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқув жараёнида (2009 йил 12 февраль, Далолатнома) ҳам қўлланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтганлиги. Тадқиқот натижалари Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти (2005-2009 йиллар) ҳамда Тошкент шаҳридаги олий ўқув юр்தларининг (2006-2009 йиллар) қатор илмий-амалий конференцияларида, СамИСИ муассислигидаги Менежментни ўқитиш халқаро марказида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияларда (2005-2009 йиллар), 2009 йил 17 февралда СамИСИда ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияда маъруза қилинган ва маъқуланган.

Диссертация иши Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Статистика” ва “Иқтисодиёт” кафедраларининг қўшма кенгайтирилган мажлисида ҳамда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг К.067.12.01 рақамли ихтисослашган Кенгаш ҳузуридаги илмий семинарида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Илмий ишнинг асосий ғояси ва натижалари юзасидан умумий ҳажми 7,0 босма табоқ ҳажмдан иборат 24 та илмий мақола ва тезислар чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Унинг ҳажми 161 бетни ташкил этиб, 25 та жадвал ва 17 та формулаларни ўз ичига олади. Иловалар сони 15 тани ташкил қилади.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Хизмат кўрсатиш соҳаси ва унинг табиатини иқтисодиётнинг муҳим тармоғи сифатида назарий жиҳатдан ўрганиб, унга қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Хизмат дейилганда инсоннинг, меҳнат жамоасининг, ҳудуднинг, давлатнинг ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга қаратилган кишиларнинг наф келтирадиган онгли кўрсатилиши мумкин бўлган фаолияти тушунилади.

Хизмат бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий соҳадир. Хизматларнинг иқтисодий соҳалиги шунда намоён бўладики, ушбу соҳада мамлакат ялпи ички маҳсулотининг бир қисми яратилади. Унинг ижтимоий соҳалиги шундаки, унинг аксарият қисми инсонлар ҳаётини яхшилашга, яшашини қулайлаштиришга қаратилгандир.

Хизматга берилган таърифимиздан келиб чиқиб, уларни қуйидагича гуруҳларга бўлишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- инсон камолоти билан боғлиқ хизматлар;
- оила равнақи билан боғлиқ хизматлар;
- меҳнат жамоалари такомиллашуви билан боғлиқ хизматлар;
- ҳудуд тараққиёти билан боғлиқ хизматлар;

- давлат равнақи билан боғлиқ хизматлар;
- жамият тараққиёти билан боғлиқ хизматлар.

Хизмат кўрсатишга таъриф беришда хизмат тушунчасига таяниш мақсадга мувофиқдир. Чунки, Ўзбек тилининг 5-жилдли изоҳли луғатида¹⁸ хизматга “хизмат кўрсатиш, ёрдам” деган изоҳ берилган. Бундан келиб чиқадики, хизмат кўрсатишни аниқ манзилга йўналтирилган ҳолат сифатида қараш лозим экан. Шу нуқтаи назардан, хизмат кўрсатишга қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Хизмат кўрсатиш дейилганда инсоннинг, меҳнат жамоасининг, ҳудуднинг, давлатнинг ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга қаратилган кишиларнинг наф келтирадиган онгли фаолияти амалга оширилган қисми тушунилади.

Ишда мазкур таъриф назарий жиҳатдан тўлиқ асосланган. Чунончи, хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

- хизматлар моддий неъмат тариқасида кўзга кўринмайди;
- хизмат кўрсатувчи субъектларнинг аксарияти жисмоний шахс сифатида намоён бўлади;
- хизмат кўрсатувчилар ягона шахс сифатида ҳар бири ўзига хос;
- хизматларни ишлаб чиқарувчилардан ажратиб олиш ва ажратиб сотиш имконияти йўқ;
- хизматлар олди-сотди жараёнида предмет сифатида намоён бўлмайди;
- хизмат сифати ўзгариб туради, яъни бир кишининг хизмати бир даврда турли сифатга эга бўлиши мумкин;
- хизматни заҳирага олиб қўйиб, сақлаш имконияти йўқ;
- хизматнинг ўзини эгасидан айри ҳолда бир жойдан иккинчи жойга кўчириш имконияти йўқ;
- хизматни фақат кўрсатилаётган хизмат жараёнида истеъмол қилиш мумкин;
- хизмат натижасидан, айрим ҳолларда, кейинчалик ҳам фойдаланиш мумкин;
- хизмат ишлаб чиқарилиши ва истеъмол қилиниши бир пайтнинг ўзида содир бўлади;
- хизмат кўрсатувчи ва истеъмол қилувчи субъектлар хизмат жараёнида бевосита бирга бўлиши мумкин ва ҳоказо.

Ушбу жиҳатлар жаҳон миқёсида умумэтироф этилган хусусиятлардан ташқари мамлакатимизнинг тараққиёт йўлига мос хусусиятларни ҳам ўз ичига олган.

¹⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат миллий нашриёти. 2008. – 395 б.

Хизмат кўрсатиш соҳаси сўнгги йилларда жадал ўсиш суръатига эга бўлмоқда ва унинг мамлакат иқтисодиётидаги ҳиссаси муттасил ошиб бормоқда (1-жадвал).

1-жадвал

**Мамлакат ЯИМ ва хизмат кўрсатиш соҳаси улушининг 2001-2008
йиллардаги динамикаси¹⁹**

Кўрсаткичлар	Йиллар							
	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
ЯИМ, млрд. сўм	4925,3	7450,2	9837,8	12189,5	15210,4	20759,3	28186,2	36839,4
Ўсиш суръати, (ўтган йилга нисбатан, таққослама баҳода), %	104,2	104,0	104,2	107,4	107,0	107,3	109,5	109,0
Хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши, %	38,2	37,9	37,4	37,2	38,4	39,5	39,4	43,3
Хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан таққослама баҳода), %	114,7	108,6	109,5	113,8	116,3	120,1	126,6	121,3

Мазкур жадвал маълумотлари хизмат кўрсатиш тармоқларининг мамлакат ЯИМдаги улуши сўнгги йилларда муттасил ўсиб бораётганлигидан далолат беради. Чунончи, 2001 йилда 38,2%ни ташкил этгани ҳолда, 2005 йилга қадар камайиш тенденциясига эга бўлди ва шу йили 38,4%ни ташкил қилди. 2005 йилдан бошлаб соҳанинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши ошиб бормоқда. 2008 йилга келиб у 43,3%га етди. Ушбу соҳанинг ўсиш суръати 2001-2008 йиллар давомида ЯИМнинг ўсиш суръатига нисбатан анча юқорилигини сақлаб қолди. 2001 йилда хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМга нисбатан ўсиш коэффициенти 1,10 ни (114,7:104,2) ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2005 йилда 1,09 ни (116,3:107,0) ва 2008 йилда 1,11 ни (121,3:109,0) ташкил қилди. Ушбу тенденция давом этадиган бўлса, хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат ЯИМдаги улуши муттасил ошиб боради. Бу эса мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси яхшиланаётганлигидан далолат беради. 2008 йилда аҳолига кўрсатилган умумий хизматлар ҳажми 121,3 фоизга ўсиб, 2008²⁰ 2,7 млрд. сўмни ташкил этди.

Шуни эътироф этиш керакки, хизматлар таркибида унинг замонавий, илғор турлари – телекоммуникация хизматлари, уяли телефон алоқаси, молия-банк

¹⁹ Манба: Ўзбекистон Республикасининг 2001-2008 йиллардаги статистик ахборотномаси. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича нашри асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинди.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Жаҳон молиявий–иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 92 бет.

хизматлари, лизинг тартибидаги кредитлар ажратиш, суғурта, сайёҳлик-экскурсия ва бошқа замонавий хизмат турлари жадал суръатда ривожланмоқда.

2008 йилда хизмат кўрсатиш соҳасида 215 мингдан зиёд янги иш ўринлари, 2103 та савдо ва 5138 та маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ташкил этилди²¹.

Характерли жиҳати шундаки, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиб, фаровонлиги ошиб боргани сайин хизматларга бўлган эҳтиёж ҳам ошиб бормоқда. Республикада 2008 йил якуни бўйича аҳоли жон бошига 738,5 минг сўмлик хизматлар кўрсатилган, шу жумладан 243,8 минг сўмлик транспорт хизматлари, 128,8 минг сўмлик савдо ва умумий овқатланиш хизматлари, 113,4 минг сўмлик коммунал хизматлар. Маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 2007 йилга нисбатан 132,8% га ўсди²². Бу тенденция давом этади ва соҳанинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши ошиб боради.

Хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ошириш бугунги глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этиб турган паллада объектив заруриятга айланди. Бу қуйидагилар билан белгиланади:

- хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган субъектларнинг янгидан очилиши нодавлат маблағлари эвазига қўшимча иш ўринларини яратади;

- аҳолининг банд қисми шу жойдан маош олиб ўзи ва оиласи фаровонлигини таъминлайди;

- мамлакат бозори истеъмол товарлари ва хизматлар билан тўлдирилади;

- мамлакатнинг экспорт салоҳияти ошиб, валюта тушими кўпайиши мумкин;

- турли (солиқли ва солиқсиз) тўловлар орқали давлат бюджетининг даромад қисмини кўпайтириш имконияти яратилади;

- мамлакат тараққиёти учун чиройли ва муҳташам бинолар барпо этиш орқали замонавий технологиялар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб қилинади;

- кам таъминланган оилаларга, иқтисодиётнинг турли соҳаларига, ободонлаштириш ишларига ҳомийлик қилинади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодиётни эркинлаштиришнинг асосий шарти ва омилидир. Бунга эришиш учун мамлакатимизда рақобат ва бизнес муҳити яратилган бўлиши лозим. Ушбу заруриятдан келиб чиқиб, ишда рақобат ва бизнес муҳитининг такомиллашган таърифлари ишлаб чиқилди.

Рақобат муҳити дейилганда, хўжалиқ юритувчи субъектлар, айниқса тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий тенглигининг таъминланганлиги, табақаланмаган бир хил иқтисодий эркинликнинг жорий қилинганлиги, улар

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Жаҳон молиявий–иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 92-бет.

²² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Жаҳон молиявий–иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 92-бет.

фаолиятига турли маъмурий давлат идоралари аралашуви бартараф этилишига қаратилган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг яратилганлиги ва улар амал қилинаётган ҳолат тушунилади.

Бизнес муҳити дейилганда, бизнеснинг барча турлари билан шуғулланувчи субъектларга ўз фойдасини кўпайтиришга қаратилган, ҳамма учун бир хил шарт-шароитлар яратилган эркин фаолиятни таъминлайдиган ҳолатнинг мавжудлиги тушунилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни баҳолаш ва таҳлил қилиш учун уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилиши тақозо этилади. Бунинг учун қуйидаги кўрсаткичларни тавсия қиламиз:

- умумий меҳнат унумдорлиги;
- харажатларнинг даромадларга нисбатан улуши;
- рентабеллик кўрсаткичи даромадга нисбатан;
- рентабеллик кўрсаткичи харажатларга нисбатан;
- ҳар бир ходимга тўғри келадиган фойда суммаси.

Ушбу кўрсаткичларнинг комплекс таҳлили хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни оширишнинг концептуал йўналишларини ишлаб чиқиш имконини беради. Аммо мазкур кўрсаткичларнинг барчасини ҳисоботлар орқали тўплаш имкони бўлмайдиган, чунки хизмат кўрсатувчи субъектларнинг кўпчилиги юридик шахс мақомига эга эмаслар. Шу туфайли турли (11та) йўналишда хизмат кўрсатувчилар маълумотларини социологик сўров натижасида тўплаш ва тегишли тарзда таҳлил қилишга тўғри келди (2-жадвал).

Барча кўрсаткичларни бир хил ўлчамга келтириб олиб, улар учун ягона комплекс кўрсаткични аниқлаш мумкин. Бу борада кўплаб адабиётларда²³ тегишли тавсиялар ҳам мавжуд. Уларни умумлаштириб, иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган математик моделларнинг аддитив типини танладик ва қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қилмоқдамиз:

$$K_k = \sum_{i=1}^n R_i \quad (1)$$

Бунда: K_k – самарадорликни ифодаловчи комплекс кўрсаткич;

$\sum$ - жамлаш белгиси;

n – кўрсаткичларнинг умумий сони;

i – битта кўрсаткичнинг тартиб сони;

R_i – рентабелликни ифодаловчи алоҳида кўрсаткичлар.

²³Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. Самарканд. Зарафшон. 2001. - 272 бет. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашр уйи, 1999. - 346 бет., Пардаев М.Қ., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашр уйи, 2003. - 256 бет. Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2002. -333 бет. Пардаев М.Қ., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. Т.: Меҳнат, 2004. -556 бет.

**Самарқанд шаҳри ва вилоятида кузатилган 131 та хизмат кўрсатувчи
субъектларда самарадорлик кўрсаткичларининг 2008 йил май
ойидаги ҳолати***

Т/р	Хизматлар номи	Умумий меҳнат унум- дорлиги, минг сўм	Харажат- ларнинг даромад- ларга нисбатан улуши, %	Рентабеллик кўрсаткичи		Ҳар бир ходимга тўғри келадиган фойда суммаси, минг сўм
				даромад- ларга нисбатан, %	хаража- ларга нисбатан, %	
1	Автосервис хизматлари	355	69	31	45	111
2	Автомобилларга ёқилғи куйиш хизматлари	2005	83	17	20	341
3	Транспорт хизмати	634	72	27	38	174
4	Яшаш ва таъмирлаш хизматлари	610	77	23	30	141
5	Коммунал хизматлар	458	78	22	27	99
6	Маиший хизматлар	330	70	30	43	100
7	Оммавий овқатланиш хизматлари	1166	65	35	54	408
8	Нонвойхона хизматлари	362	75	25	33	89
9	Савдо хизматлари	911	76	24	32	219
10	Ахборот технологиялари хизматлари	408	68	31	46	128
11	Сайёҳлик (туризм) хизматлари	625	62	38	61	237
ЖАМИ (ўртача)		715	72	27	39	186

Социологик сўровлар асосида ўтказилган тадқиқотларимиз кўрсатдики, кўпчилик тадбиркорлар стандартлаштириш, синаш ва сертификатлаштириш ҳақида умумий тушунчаларга ҳам эга эмаслар. Тадбиркорлар ушбу ҳужжатлар нима учун зарурлигини, ўз фаолиятида уларга амал қилиш лозимлигини билмаса, қандай қилиб сифатли маҳсулот ишлаб чиқаради ёки хизмат кўрсата олади. Тадбиркор ўз маҳсулоти, иши ёки кўрсатиладиган хизмати учун тегишли тарзда сифат сертификатига эга бўлиши керак. Сертификат бўлмаган жойда сифат бўлмаслиги, сифат бўлмаган жойда самарадорлик бўлмаслигидан келиб чиқиб, тадбиркорларнинг сифат сертификати билан ишлаши лозимлигини алоҳида таъкидлаймиз. Шунингдек, ҳар бир тадбиркор маҳсулотлар ва хизматлар классификаторини, уларни сертификатлаш ва стандартлаштириш қоидаларини

* Кузатилган 131 та хизмат кўрсатиш билан шуғуллунадиган субъектларнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан қилинган ҳисоб-китоблар.

билишлари лозим. Демак, хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ошириш учун соҳа тадбиркорларига ушбу масалаларни ўрганиш бўйича махсус курслар ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини янада ошириш учун куйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим деб топдик. Булар: иқтисодиётда, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасида давлат монополиясининг ҳар қандай шакллариини максимал даражада чеклаш, иқтисодиётнинг барча бўғинларига эркинлик бериш; тадбиркорлик фаолиятини текширувчи идораларнинг мувофиқлаштирилган фаолиятини янада такомиллаштириш, бу ўринда аудиторлик фаолиятини кучайтириш ва маъсулиятини ошириш, ваколатларини кенгайтириш; мулкчиликка оид қонунчиликни такомиллаштириш, яъни мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини кучайтириш; ишлаб чиқариш ва экспорт тизимида хизматларнинг улушини кўпайтириш; бозорга киришдаги маъмурий тўсиқларни чеклаш ҳамда хизмат кўрсатувчилар учун қулайликлар яратишга эришиш; суғурта хизматларини кенг кўламда ривожлантириш, жойларда суғурта ишлари олиб борилишини ташкил қилиш ва ҳоказо.

Хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни оширишнинг яна бир жиҳати соҳани замонавий кадрлар билан тўлдиришдир. Мазкур соҳада фаолият кўрсатадиган субъектлар асосан кичик бизнес ва микрофирмалардан иборат бўлиб, бунда замонавий кадрлар тайёрлаш масаласи такомиллашишга муҳтож. Чунки, ҳозирги кунда касб-ҳунар коллежлари асосан алоҳида (менежер, маркетинг, ҳуқуқшунос, иқтисодчи каби) мутахассислар тайёрламоқда. Фикримизча, мазкур ўқув юртларида кадрларни мутахассисликлар бўйича эмас, балки соҳалар бўйича, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасида шуғулланадиган тадбиркорларни, яъни уй хўжалиги тадбиркори, фермер хўжалиги тадбиркори, деҳқон хўжалиги тадбиркори, мева ва сабзавотларни қайта ишлаш тадбиркори, хизмат соҳаси тадбиркори (турлари бўйича) каби кўринишда тайёрлаш лозимдир.

Хизмат кўрсатувчи корхоналарда самарадорликни ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири унинг рентабеллигидир. Уни ифодалаш учун битта кўрсаткич етарли эмас, чунки у кенг қамровли иқтисодий категория. Шунинг учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Кўрсаткичлар тизимини тўғри тушуниш ва идрок қилиш, энг муҳими, тўғри таҳлил қилиб, аниқ хулоса чиқариш учун уларни маълум белгилари бўйича таснифлаб бир тизимга келтириш лозим. Ишда хизмат кўрсатувчи корхоналарда рентабеллик кўрсаткичлари мулкдор нуқтаи назаридан куйидаги гуруҳларга бўлиниши лозимлиги асосланди: умумий рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар, иқтисодий рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар, молиявий рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар. Ушбу гуруҳларга кирувчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди ва уларни баҳолаш йўллари аниқланди.

Ишда автомобил сервиси самарадорлигига алоҳида аҳамият берилди. Чунки ушбу соҳа тез ривожланмоқда ва истиқболда унинг хизматлар тизимида салмоғи

юқори бўлади. Ушбу соҳа самарадорлигини ифодалашда ҳам кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, улар таркибига қуйидаги кўрсаткичлар тизimini киритиш таклиф қилинди: автомобил сервиси соҳаси рентабеллиги; бир автомобил билан ташилган йўловчилар ўртача сони; бир авт/км (бир автомобилнинг 1 км масофани босиб ўтиш йўли)га тўғри келадиган ўртача тушум. Мазкур кўрсаткичларни аниқлаш йўллари ва улар ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар ҳисобланди ва соҳа самарадорлигини оширишнинг ички имкониятлари аниқланди.

Ушбу кўрсаткичлар ўзгаришига таъсир этувчи омиллар аниқланди ва улар таъсири ҳисобланди. Масалан, бир авт/км.нинг ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир қилиши аниқланди: бир ойлик пул тушуми (Бт); маршрут масофаси (Мм); маршрутга қўйилган автомобиллар сони (Ас); бир соат давомидаги қатновларнинг ўртача сони (Кс); маршрутдаги автомобилнинг бир ойлик ўртача иш куни (Уик); автомобилнинг шу маршрут бўйича бир кунлик умумий иш вақти (Ив). Ушбу омиллар ўртасидаги боғлиқликни ($A_{т.ўрт.}$ - автомобил транспортининг ўртача самарадорлигини) аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$A_{т.ўрт.} = \frac{Бт}{Мм \cdot Ас \cdot Кс \cdot Уик \cdot Ив} \quad (2)$$

Мазкур формуладан фойдаланиб, натижага таъсир этувчи юқорида келтирилган 6 та омиллар таъсирини занжирли алмаштириш усули билан аниқлаш ва ички имкониятларни топиш йўллари кўрсатиб берилди (3-жадвал).

Омиллар таъсири қуйидагича ҳисоб-китоб қилинди:

1. Транспорт сервиси самарадорлиги бўйича 21-маршрутда 10-маршрутга нисбатан бир ойлик пул тушуми 19364 сўмга ошган:

$$22133 - 2769 = +19364 \text{ сўм}$$

2. Транспорт сервиси самарадорлиги ўзгаришига маршрут ўртача масофасининг таъсири 9836 сўмни ташкил қилган:

$$31969 - 22133 = +9836 \text{ сўм}$$

3. Маршрутга қўйилган ДАМАСлар сони 21-маршрутда 14 тага кўп. Бунинг натижасида самарадорлик кўрсаткичи 20344 сўмга камайган. Яъни, маршрутга қўйилган ДАМАСлар сони ўзгаришининг самарадорликка таъсири:

$$11625 - 31969 = - 20344 \text{ сўм}$$

4. Бир соат давомидаги ўртача қатновлар сони 21-маршрутда 10-маршрутга нисбатан 2 марта кўп. Бу омил пул тушумини кўпайтиради, аммо самарадорлик кўрсаткичига салбий таъсир ҳам кўрсатади. Ушбу омилнинг салбий таъсири 5812 сўмни ташкил қилган:

$$5813 - 11625 = - 5812 \text{ сўм}$$

Самарқанд шаҳрида автомобил ҳаракати самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг 2008 йил май ойи маълумотларининг қиёсий таҳлили

№	Кўрсаткичлар	10- маршрут	21- маршрут	Фарқи	
				Мутлоқ миқдорда	Нисбий миқдорда, %
1	Бир ойлик пул тушуми, минг сўм	258,0	2062,4	+1804,4	799,4
2	Маршрут масофаси, км	13	9	-4	69,2
3	Маршрутга қўйилган ДАМАСлар сони, дона	8	22	+14	275,0
4	Бир соат давомидаги ўртача қатновлар сони, марта	2	4	+2	200,0
5	ДАМАСларнинг 1 ойлик ўртача иш куни, кун	28	29	+1	103,6
6	Бир кунлик умумий иш вақти, соат	16	18	+2	112,5
7	Умумий масофа ҳажми, авт/км, (2 _к х 3 _к х 4 _к х 5 _к х 6 _к)	93184	413424	+320240	+443,7
8	Маршрутнинг (1 авт/км. масофанинг) бир ойлик самарадорлиги, сўм, 1 _к : (2 _к х 3 _к х 4 _к х 5 _к х 6 _к)	2769	4989	+2220	180,2

5. ДАМАСларнинг 1 ойлик ўртача иш куни 21-маршрутда 1 кунга ошган. Бу ҳам бир томондан пул тушумини кўпайтирса, иккинчи томондан умумий масофа ҳажминини ошириш эвазига самарадорликни пасайтириб юборади. Ушбу омилнинг таъсир миқдори 201 сўмни ташкил қилади:

$$5612 - 5813 = - 201 \text{ сўм}$$

6. Транспорт сервиси самарадорлиги ўзгаришига бир кунлик умумий иш вақтининг ҳам таъсири бор. Иш вақтининг кўпайиши умумий масофани ошириб юборади. Натижада самарадорлик пасаяди. Ушбу омилнинг салбий таъсири 623 сўмни ташкил қилади:

$$4989 - 5612 = - 623 \text{ сўм}$$

Жами омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлади:

$$19364 + 9836 - 20344 - 5812 - 201 - 623 = + 2220 \text{ сўм}$$

Ушбу ҳисоб китоблар натижасида ички имкониятлар ахтариб топилди ва уни амалиётга жорий қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

3. ХУЛОСА

Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни оширишнинг мазмуни, объектив зарурлиги, уларнинг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрнини назарий ва амалий жиҳатдан атрофлича ўрганиш қуйидаги хулосаларга олиб келди ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилишига имкон берди.

1. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга мамлакатимизда устувор вазифалардан бири сифатида қаралиши туфайли фақат 2005-2009 йилларда улар фаолиятини тартибга солиш, давлат аралашувини чеклаш, турли маъмурий тўсиқларни олиб ташлаш ва улар самарали ишлашини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кўплаб қарорлар қабул қилинди. Бу ҳолат ушбу соҳанинг назарий ва амалий муаммоларини ўрганишни ва уларни ҳал қилиш йўллари ишлаб чиқишни тақозо қилади. Аммо иқтисодий адабиётларда хизмат кўрсатиш соҳасининг назарий масалалари, унинг самарадорлигини ошириш йўллари жуда кам ўрганилган.

2. Диссертацияда хизмат, хизмат кўрсатиш, рақобат муҳити ва бизнес муҳити тушунчаларининг такомиллашган таърифлари ишлаб чиқилди. Хизмат жараёни бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий соҳа сифатида қаралди ва уни иқтисодий соҳа сифатида қараб, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги ўрни очиқ берилган бўлса, ижтимоий соҳа сифатида, унинг инсонлар ҳаётини яхшилашга, яшашини қулайлаштиришга қаратилганлиги асосланди. Хизматнинг таърифига асосланиб, уларнинг таснифига аниқлик киритилди.

3. Тадқиқотлар натижасида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бизнес мактаблари ва касб-ҳунар коллежларида алоҳида (менеджер, маркетинг, ҳуқуқшунос, иқтисодчи каби) мутахассислар эмас, балки соҳалар бўйича, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасида шуғулланадиган тадбиркорларни (уй хўжалиги тадбиркори, фермер хўжалиги тадбиркори, деҳқон хўжалиги тадбиркори, мева ва сабзавотларни қайта ишлаш тадбиркори, хизмат кўрсатиш соҳаси тадбиркори каби) тайёрлаш лозимлиги асосланди. Касб-ҳунар бўйича қайта тайёрлашни масофавий ўқиш орқали амалга оширилиши таклиф қилинди.

4. Ишда хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодиётда тутган ўрни ва унинг келажакда ривожланиш истикболи аниқланди. Бинобарин, ушбу соҳа мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган ижтимоий масалаларни, хусусан, бандлик муаммоси ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда етакчи ўрин эгаллаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

5. Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда муайян тажрибага эришилган бўлсада, хизмат кўрсатиш билан боғлиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда бир қанча муаммоларнинг мавжудлиги ва уларни ҳал қилиш йўллари асосланди.

6. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш мамлакат ялпи ички маҳсулотини кўпайтиришга, иқтисодиётда бандлик

даражасини оширишга, давлат бюджетига тўланадиган солиқлар ва бошқа тушумларни кўпайтиришга, мамлакатимиз бозорини истеъмол товарлари билан тўлдиришга, янги иш ўринлари яратишга асос бўлиши кўрсатиб берилди.

7. Хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолашнинг концептуал йўналишлари очиб берилди. Тегшли кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилиб, улар асосида комплекс кўрсаткични аниқлаш усуллари тавсия қилинди.

8. Самарадорлик кўрсаткичларининг даражаси хизмат кўрсатишнинг турли соҳаларида турлича эканлигидан келиб чиқиб, социологик сўровлар натижасида тегшли фаолият билан шуғулланишни танлашда 5та асосий кўрсаткичлар олинди ва улар автосервис фаолиятини таҳлил қилиш мисолида кўрсатиб берилди.

9. Йўловчи ташиш жараёнидаги автомобил сервиси самарадорлигини ошириш учун уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими (автомобил сервиси соҳаси рентабеллиги; бир автомобил билан ташилган йўловчилар ўртача сони; бир авт/км.га тўғри келадиган ўртача тушум) ишлаб чиқилди ва омилли таҳлил қилиш орқали самарадорликни оширишнинг ички имкониятларини топишга доир илмий тавсиялар берилди.

10. Ишда хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни ошириш учун улар фаолиятини стандартлаштириш, синаш ва сертификатлаш тизимини такомиллаштириш, хизматлар таснифлагичларига (жумладан, ташкилий-ҳуқуқий шакллар таснифлагичи (ТХШТ) ва мулкчилик шакллари таснифлагичи (МШТ)) бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш зарурлиги бўйича тавсиялар “Ўзстандарт” агентлигига берилди.

11. Ишлаб чиқилган тавсиялар “Ўзстандарт” агентлиги ва Давлат статистика қўмитаси томонидан қабул қилиниб, “O`z DT 010:2006. Ўзбекистон Республикаси фаолият турлари бўйича хизматлар таснифлагичи”га киритилди ва амалиётга жорий қилинди.

12. Хизмат кўрсатувчи корхоналарда рентабелликни ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимини мулкдор нуқтаи назаридан қуйидаги гуруҳларга бўлиш лозимлиги асосланди: умумий рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар, иқтисодий рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар, молиявий рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар. Ушбу гуруҳларга қиравчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди ва уларни баҳолаш йўллари кўрсатиб берилди.

Агар биз берган тавсиялар тегшли фанларни такомиллаштиришда ва амалиётда фойдаланилса, ўйлашмики, хизмат кўрсатиш соҳасидаги мавжуд ички имкониятлар аниқланади ва соҳа самарадорлиги таъминланади. Бу айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг олдини олиш ва унинг таъсирини юмшатиш бўйича чоралар изланаётган бугунги кунда ўта муҳимдир.

4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Ochilov.I.S., Some aspects of using the advanced pedagogical technologies in academic lyceums and vocational colleges // Open and Distance learning in the Digital Era: Towards a lifelong learning Society. Materials of the 16th Asian Association of Open Universities (AAOU) annual conference. – Seoul, Korea, 2002. – P. 165-166.
2. Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хусусий корхона иқтисодий салоҳияти самарадорлиги // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2005. - № 11. – Б. 60-63.
3. Очилов И.С., Криволапова Е.В. Роль единой системы классификации и кодирования технико-экономической и социальной информации в планировании и управлении экономикой // Стандарт. – Ташкент, 2005. - № 3/4. - С. 12-13.
4. Шодиева Г.М., Очилов И.С., Исаев О. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолини иш билан таъминлаш сиёсатининг концептуал йўналишлари // Ёшларнинг ўқиши ва бандлиги муаммолари. Халқаро илмий –амалий конференция материаллари тўплами. – Самарқанд, 2005. – Б. 246-248.
5. Очилов И.С. Хусусий тармоқ ва кичик тадбиркорликнинг аҳамияти, ушбу соҳаларни ривожлантиришдаги айрим муаммолар, уларни ечиш йўллари // Стандарт. - Тошкент, 2006. - № 1. – Б. 33-34.
6. Очилов И.С. Тадбиркорликни ривожлантириш асослари // Бозор, пул ва кредит. - Тошкент, 2006. -№ 4. – Б. 63-65.
7. Очилов.И.С. Баҳо ва таҳлил // Ўзбекистон кишлок хўжалиги. - Тошкент, 2006. - № 5. – Б. 12.
8. Очилов И.С. Развитие классификации и кодирование технико-экономической и социальной информации в управлении экономикой Узбекистана // Стандарт. - Ташкент, 2006. - № 2. - С. 15-17.
9. Очилов И.С. Хусусий тадбиркорлик фаолияти таснифлагичлари ва уларнинг аҳамияти // Иқтисодиёт ва таълим. - Тошкент, 2006. - № 3. – Б. 69-73.
10. Очилов И.С. Хусусий ва кичик корхоналарда рақобат ва бизнес муҳитини яратиш масалалари // Бизнесни ривожлантиришда менежмент муаммолари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. - Самарқанд, 2006.– Б. 317-319.
11. Очилов И.С. Хусусий корхоналарда самарадорликни оширишнинг объектив зарурлиги // Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт ва молиянинг долзарб муаммолари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. - Самарқанд, 2006. – Б. 300-304.
12. Очилов И.С. Хизмат кўрсатувчи хусусий корхоналарда самарадорликни оширишнинг объектив зарурлиги ва иш билан таъминлаш муаммолари // Ёшларнинг ўқиши ва бандлиги муаммолари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. - Самарқанд, 2006. - Б. 295-297.
13. Очилов И.С. Хизмат кўрсатувчи хусусий корхоналарнинг мамлакат иқтисодиётини юксалтиришдаги роли ва бандлик муаммолари // Ёшларнинг ўқиш ва бандлик муаммолари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. - Самарқанд, 2006. - Б. 298-300.

14. Очилов И.С., Усмонқулов Ш.Қ. Хусусий корхоналарда тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий ва ҳуқуқий муаммолари // Бозор, пул ва кредит. - Тошкент, 2006. - № 7. – Б. 56-58.
15. Очилов И.С., Криволапова Е.В. Совершенствование и информационное обеспечение классификации и кодирования товаров в частном предпринимательстве // Божхона иши фаолиятининг долзарб муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. С.Х. Насировнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент, 2006. – Б. 89-91.
16. Очилов И.С., Нурумбетов Г.М. Основы классификации и кодирования товаров на частном предприятии // Божхона иши фаолиятининг долзарб муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. С.Х.Насировнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент, 2006. – Б. 61-65.
17. Очилов И.С.,Криволапова Е.В. Совершенствование классификации и кодирования, развитие штрихового кодирования в предпринимательстве // Стандарт. – Ташкент, 2006. - № 1. - С. 13-15.
18. Очилов И.С., Кучаров Ж. Тадбиркорликни ривожлантиришнинг айрим муаммолари // Бизнесни ривожлантиришда менежмент муаммолари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами.-Самарқанд, 2006. – Б. 316-317.
19. Исроилов Ж.И., Очилов И.С. Тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш // Бизнесни ривожлантиришда менежмент муаммолари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. -Самарқанд, 2006. – Б. 191-192.
20. Исроилов Ж.И., Очилов И.С. Хизмат кўрсатувчи хусусий корхоналарда самарадорликни ошириш муаммолари // Ёшларнинг ўқиши ва бандлиги муаммолари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. - Самарқанд 2006. – Б. 164-166.
21. Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш корхоналарида иқтисодий салоҳият таҳлилини такомиллаштириш // Иқтисодиёт. Ижтимоий ҳимоя. Таълим. XX1 асрда бандлик. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. - Самарқанд, 2007. – Б. 189-191.
22. Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳасининг назарий масалалари, уларнинг моҳияти, таснифи ва тавсифи // Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда статистика ва иқтисодий таҳлилнинг роли. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. - Самарқанд, 2007. – Б. 13-18.
23. Очилов И.С. Сервис – тараққиёт омили // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. - Тошкент, 2008. - № 8. – Б. 28.
24. Очилов И.С. Бозор муносабатлари шароитида хизматларнинг турлари ва уларнинг таснифи // Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. М.Қ. Пардаев ва Ҳ.Н. Мусаевларнинг умумий таҳрири остида. - Тошкент, “Iqtisod-Moliya” нашриёти, 2008. - Б. 35-39.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор И.С. Очиловнинг
08.00.05 - “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича
“Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари”
мавзусидаги диссертациясининг**

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: хизмат, сервис, хизмат кўрсатиш, соҳа, хизматлар таснифлагичи, рақобат муҳити, бизнес муҳити, баҳо, таҳлил, иқтисодий самарадорлик, меҳнат унумдорлиги, рентабеллик, автосервис, ходимларнинг ўртача йиллик сони.

Тадқиқот объекти: хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган Самарқанд вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида жойлашган хўжалик юритувчи субъектлар.

Ишнинг мақсади: иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий йўналишларини тадқиқ қилиш, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш орқали самарадорликни оширишнинг ички имкониятларини ишга солиш йўллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот усуллари: анализ ва синтез, индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат, замон ва макон услублари, қиёслаш, мувозанат, социологик сўров, занжирли алмаштириш, қайта ҳисоблаш, иқтисодий-математик моделлаштириш, индекс каби иқтисодий таҳлил ва статистика усуллари.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни баҳолаш ва таҳлил қилиш орқали ички имкониятларни ишга солиш йўллари; хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар, уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари; хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини оширишда стандартлаштириш ва сертификатлаштиришни такомиллаштириш бўйича тавсиялар; эркин иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида фойда ва рентабелликни ошириш йўллари ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш усуллари.

Амалий аҳамияти: хизмат кўрсатувчи субъектлар самарадорлигини оширишга оид меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришда, уни ошириш бўйича ички имкониятларни ахтариб топиш баробарида зарур чора-тадбирларни белгилашда амалий тавсияларни ишлаб чиқиш мумкинлиги билан баҳоланади.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Тадқиқот ишида олинган илмий хулосалар Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ва “Ўзстандарт” агентлигида амалиётга қўллаш учун қабул қилинган. Уларни тадбиқ этиш хизмат кўрсатиш соҳасини барқарор ривожлантиришни таъминлаш ва улар самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Ишлаб чиқилган назарий хулосалар ва амалий тавсиялар “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти”, “Сервис асослари”, “Иқтисодий таҳлил”, “Корхона иқтисоди”, “Тадбиркорлик асослари” каби фанлардан ўқув адабиётларини тайёрлашда ва ўқув жараёнини такомиллаштиришда қўлланилиши мумкин.

Қўлланиш соҳаси: Иқтисодиёт вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси хўжалик юритувчи субъектлари, олий ўқув юртлари.

РЕЗЮМЕ

диссертации И.С. Очилова на тему: «Пути повышения эффективности предприятий сферы обслуживания» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности
08.00.05 – «Экономика отраслей сферы услуг»

Ключевые слова: услуга, сервис, обслуживание, сфера, классификатор услуг, конкурентная среда, бизнесная среда, оценка, анализ, экономическая эффективность, производительность труда, рентабельность, автосервис, среднегодовая численность работников.

Объект исследования: хозяйствующие субъекты, занимающиеся сферой обслуживания в городе и сельской местности Самаркандской области.

Цель работы: разработка путей изыскания внутренних резервов повышения эффективности сферы обслуживания при помощи теоретического и практического исследования направлений, на их оценки и анализа в условиях либерализации экономики.

Методы исследования: анализ и синтез, индукция и дедукция, причина и следствие, время и пространство, сравнение, балансовый метод, анкетный опрос, цепная подстановка, способ скорректированных показателей, экономико-математическое моделирование, индексы и др. методы статистики и экономического анализа.

Полученные результаты и их новизна: пути использования внутренних возможностей через оценки и анализа эффективности сферы обслуживания; методы определения и анализа факторов, оказывающих влияние на показатели характеризующие эффективность сферы обслуживания; рекомендации по совершенствованию стандартизации и сертификации в повышении эффективности сферы обслуживания; разработаны пути повышения прибыли и рентабельности сферы услуг в условиях либерализации экономики и методы анализа факторов, влияющих на их изменения.

Практическая значимость: оценивается возможностью определения необходимых мероприятий и разработки практических рекомендаций в части поиска внутренних резервов повышению эффективности хозяйствующих субъектов в сфере обслуживания и по совершенствованию нормативных документов данной сфере.

Степень внедрения и экономическая эффективность: научные разработки диссертационного исследования были приняты для внедрения в производство в Агентстве «Узстандарт» и Государственном комитете по статистике Республики Узбекистан. Внедрение рекомендаций в производство способствует стабильности развития сферы обслуживания и помогает повышению их эффективности.

Разработанные научные рекомендации и практические предложения могут быть использованы при совершенствовании учебных процессов и подготовке учебных литератур таких, как «Экономика сферы услуг», «Основы сервиса», «Экономический анализ», «Экономика предприятия», «Основы предпринимательства».

Область применения: Министерство экономики, Торговая и промышленная палата, хозяйствующие субъекты сферы услуг и сервиса, высшие учебные заведения.

RESUME

Thesis of I.S.Ochilov on scientific degree competition of candidate Sciences in economic on speciality 08.00.05 – «Economy of branches sphere of service», subject: «The increasing of efficiency of ways the enterprise sphere of services»

Key words: services, service, sphere, classifier service, competition conditions, business conditions, valuation, analysis, economical efficiency, labour productivity, profitability, car-care centre of sphere, average quantity of employees.

Subjects of the inquiry: the managing subjects to engaged in sphere of service in a city and a country town of the Samarkand region.

Aim of the inquiry: research practical and theoretical ways of increase by the efficiency of sphere of service in the conditions of economy liberalisation, to develop of methods by increase of efficiency, using their internal possibilities through their estimations and the analysis.

Methods of the inquiry: the analysis and synthesis, an induction and deduction, reason and action, time and space methods, comparison, balance, social answers, a chain exchange, recalculation, economical-mathematical modelling, methods of statistics and the economic analysis such as an index.

The results achieved and their novelty: ways using of internal possibilities through the estimations and the analysis efficiencies of sphere of service; methods of definition and the analysis of the factors influencing indicators expressing efficiency to sphere of service; recommendations about developed of standardization and certifications in increase efficiencies of sphere of service; increasing ways of profit and rentability of sphere services in the conditions of free economy and methods of the analysis of the factors influencing their changes are developed.

Practical value: the definition possibility of necessary actions and develop of practical recommendations in part of search of internal possibilities in perfection of standard documents involved in increasing of efficiencies of subjects of service is estimated.

Degree of embed and economical effectivity: scientific works of the dissertation enquiry were accepted by the introduction in manufacture in Agency «Uzstandart» and the Government Committee of Statical according of the Republic of Uzbekistan. Introduction of recommendations in manufacture promotes stability development of sphere of service and helps increasing of their efficiency.

The developed scientific recommendations and practical offers can be used in the improvement of educational processes and preparation of educational literatures such, as «The economy sphere of services», «The service bases», «The economical analysis», «The eenterprise economy», «The business bases».

Field of application: the Ministry of Economics, the Trading and industrial chamber, managing subjects sphere of service, higher educational institutions.

Тадқиқотчи: _____

Чоп этишга берилди	14.04.2010 й.
Формат	30x42, 1,5 б.т
Адади	100 нусха
Буюртма	№ 96

Самарканд иқтисодиёт ва сервис институти

босмахонасида чоп этилди

703000. Самарканд шаҳар, Шохрух кўчаси, 60-уй.

